

«XXI ASR» 15 (595)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Янада фаолликка ундамоқда

«Президентимиз О'зЛиДеРнинг VII съездидаги маърузасида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ҳов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик беришни энг устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида қайд этди. Бу фикрлар бизни янада фаолроқ ишлашга ундамоқда. Шу маънода депутатлар, БПТлар фаолияти тўғрисида гапирганда, электротат вакиллари мурожаатлари билан ишлаш бўйича аниқ мисоллар тобора ортиб боришига интилайганимизни таъкидламоқчиман. Шунингдек, партиявий ишнинг самарадорлиги хусусий сектор манфаатлари билан уйғун тарзда белгилашни керак, деб ҳисоблайдиган маслаҳотларимиз кўпайишни истардик. Тўғри, аксарият қуйи бўғинлар депутатлар, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда партия нуфузини янада мустақамлайдиган ва аҳолининг унга бўлган ишончини оширишга хизмат қиладиган кўпга хайри ишларни амалга ошираётди. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам самарали, деб бўлмайдми. Бинобарин, жорий йилда партияимиз томонидан мазкур йўналишдаги фаолиятни янада кўчайтиришга жиддий эътибор қаратилапти. Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг тегишли қарор ва йўриқномалари эса ваколатларимизни мустақамлаяпти. Бухоро туманидаги «Шейхонча» ҚФЙ ҳудудида тузилган БПТда жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни бартараф этишга бағишланган амалий мулоқотда вилоят кенгаши депутати Иноят Нарзиёв ана шундай фикрларни билдирди. Тадбир давомида фермерлар, тадбиркорлар, қуйи бўғинлар фаоллари тижорат банклари, ММТП ва бошқа ташкилотларнинг ишбилармонлар билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклифларини илгари сурди.

Ушбу мулоқотнинг «Галаисиб овози» газетасида ёритилганлиги кўрилган масалаларга жамоатчилик эътиборини қаратиш имконини берди.

Электротат билан ҳамнафас бўлайлик

Худудларда қулай сармовий муҳит яратиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш чора-тадбирлари белгиланган қонун ҳужжатлари мазкур йўналишдаги ишларнинг янги сифат босқичига кўтарилишида алоҳида аҳамият касб этапти. О'зЛиДеР бошланғич ташкилотлари эса улар ижросига оид илгор тажрибаларни омалаштириш, баён қилинган вазифаларнинг ҳаёtgа татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини изчил давом эттиришлари лозим. Бунда, хусусан, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари, тадбиркорлар ва қишлоқ мулкдорлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш айти муддаодир.

Шовот туманидаги чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган «Темир йўл обод» мажмуасида фаолият юритаётган, 81 аъзони жипшлаштирган БПТда ўтказилган давра суҳбатидан ана шундай фикрлар билдирилди.

— Бошқа жойларда бўлганидек, туманимизда ҳам тадбиркорлик ҳаракати тобора кенг қулоқ ёзаётди, — дейди партия қуйи тузилмаси етакчиси Қосимбой Жуманиязов. — Бизнинг вазифамиз эса хусусий сектор вакилларининг эмин-эркин ишлашлари учун зарур шароит яратилишига кўмаклашидир. Бунинг учун электротат орасига янада чуқурроқ кириб боришимиз, улар билан том маънода ҳамнафас ва ҳамкор бўлишимиз зарур.

Ижтимоий воситалар ва технологиялар

Жойлардаги бошланғич ташкилотлар қанчалик фаол бўлса, аҳолининг партиёга нисбатан ишончи шунчалик мустақамлашиб бораверади. АТ «Агробанк» Қўштепа тумани филиалидаги бошланғич партия ташкилоти фаоллари ана шуни теран англаб, голий-сиёсий тадбирлар изчиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Чунончи, яқинда мазкур қуйи бўғин ташаббуси билан «Партия ташкилоти ва партиявий фаолият» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда О'зЛиДеР тузилмалари мутасаддилари, депутатлар, ННТлар вакиллари ва талабалар иштирок этдилар.

Туман кенгаши депутати Е.Эргашев, О'зЛиДеР маҳаллий кенгаши раиси ўринбосари И.Холмирзаев сўзга чиқиб, йигилганларга «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган сиёсий партиялар фаолиятига доир устувор йўналишлар, партияимиз зиммасидаги улкан вазифалар, сиёсий куч томонидан ўз фаолиятини янада кўчайтиришга туртки берувчи омилларни амалиётда қўллашда ижтимоий воситалар ва технологиялардан самаралироқ фойдаланиш йўллари тўғрисида атрафлича маълумотлар бердилар. Шунингдек, фаоллар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Тадбир ниҳоясида либерал-демократик гоёларни қўллаб-қувватловчи 7 нафар йигит-қизга О'зЛиДеР аъзолик гувоҳномалари топирилди.

Б.ИСРОИЛОВ.

Жиззах вилоятида бугун О'зЛиДеРнинг 484 та бошланғич ташкилоти фаолият юритапти. Улар 10150 нафар либерал-демократик гоёлар тарғиботчисини бирлаштирган

Қатъият ва изчиллик — муваффақиятлар омили

Жаҳонгир БОБОБЕКОВ, О'зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари ўринбосари

Таъкидлаш керакики, худудда партиянинг аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари яхши самара берапти. Бошланғич ташкилотлар ва аъзолар сонини ошириш, фаолиятнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш, шунингдек, қуйи бўғинларнинг электротат билан ҳамкорлиги борасида қизгин ишлар олиб борилмоқда. Бунда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитасининг «О'зЛиДеРнинг худудий, туман (шаҳар) ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш тўғрисида»ги тартиби дастуриламал бўлиб хизмат қиладиганини қайд этиш лозим. 15 ой ичидан партия аъзолари сони 2043 нафарга ортди. Мазкур ўсишнинг тадбиркорлар, фермерлар, хунармандлар, шунингдек, партияимиз дастурий гоё ва мақсадларига қизиқиши кучли ёшлар ҳиссасига тўғри келаётгани эътиборга молик. Жами аъзоларнинг 2400 нафари аёллар ва 6156 нафари ёшлардан иборат экани эса хотин-қизлар ҳамда навқирон авлодга тааллуқли масалалар доимо партиянинг диққат марказида эканлигидан дарак беради.

Сафимизга янги аъзоларнинг кириб келиши уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, партиявий фаолият тўғрисидаги тасавурларини кенгайтириш масаласини кун тартибига қўяди, албатта. Унинг муваффақиятли ҳал қилиниши эса БПТ раҳбарларининг фаоллиги, ҳар томонлама етуқлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, О'зЛиДеР вилоят кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан қуйи бўғинлар раисларини ўқитиш, уларга партия дастури ва уставида белгиланган вазифалар хусусида маълумотлар бериш жараёни изчиллик билан ташкил этилиб, қамрови тобора кенгаймоқда.

Рақамларга мурожаат қилайлик: 2013 йилда 274 нафар БПТ раисининг малакаси оширилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 368 нафарни ташкил этди. Юқори савияда уюштирилган ўқувларда, хусусан, бошланғич ташкилотларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва партиявий воситалар билан уларнинг ечимини топиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

айнан ана шунга таяниб, тилга олинган дастурни ишлаб чиқдилар.

Унга асосан аҳолининг меваги қўчатлар, уруғлик ва томорқа ишларида зарур бўлган анжомларни сотиб олиши учун савдо шохобчалари ташкил этиш,

БПТ раислари эканлиги қуйи бўғинларнинг чиндан ҳам омма орасига кириб бораётганидан далолат беради.

Сиёсий кампания даврида О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси фар-



Зеро, ана шундай амалий ишлар таянч тузилмаларнинг аҳоли билан алоқалари янада мустақамлашилишига, партия нуфузи юқсалишига хизмат қилади. Шу маънода бир қанча аниқ амалий ишлар рўёбга чиқишида сиёсий ўқувлар муайян роль ўйнади, дейиш мумкин. Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши сессиясига киритилган «Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг ташаббуслари тўғрисида»ги дастурнинг қўллаб-қувватлаши ҳам бунга мисол бўла олади. Унда вилоятда томорқа ва деҳқон ҳўжалиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, озик-овқат маҳсулотлари етиштириш миқдорини кўпайтириш масалалари илгари сурилган. Таклифларнинг вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқишида партия таянч нўқталарининг саъй-ҳаракатлари сезиларли бўлди. Чунончи, БПТлар фойдаланилмаётган томорқалар ҳақидаги зарурий маълумотларни тўплаш, шунингдек, аҳоли учун керак бўладиган қўчатлар, экин уруғлари ва зарурий ахборотларни олишга кўмаклашиб, мавжуд ҳолат юзасидан умумий ҳулосаларнинг шаклланишига қатта ёрдам бердилар. Депутатлик гуруҳи аъзолари

жойларда микрокредитларга бўлган талабни аниқлаш ва унинг қондирилишини таъминлаш, томорқа ҳўжалиқларидан самарали фойдаланиш, хизматлар бозорини ривожлантириш, амалга оширилган ишларни мониторинг қилиш тизими бўйича ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларнинг қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида тўлиқ бажарилишини назорат этиш тегишли ташкилотларга юқлатилди, туманлар ҳокимликларида ишчи гуруҳининг йиғилишлари мунтазам ўтказиб борилди.

Маълумки, сайлов — халқ хоҳиш-иродасининг кўзгуси, демократиянинг таркибий қисмидир. Сайлов кампаниясида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига ҳам жиддий эътибор қаратилди, улар кўмагидан самарали фойдаланилди. Вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 5 депутатдан 2 нафари партияимиздан кўрсатилган номзодлардир. Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги 57 та ўридан 25 таси ёки 43,8 фоиз депутатлик ўрни О'зЛиДеР вакиллари эгалладилар. Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларнинг қарийб 30 фоизи

мойишига асосан тарғибот гуруҳлари тузилди. Уларнинг таркиби партия дастурий мақсадларини яхши биладиган, аҳолига тушунарли тарзда етказиб бера оладиган БПТ аъзолари орасидан шакллантирилди. Сайлов жараёнида эса қуйи ташкилотлар вилоятнинг чекка худудларида партиядан кўрсатилган номзодлар сайловолди дастуриларини омма орасида тарғиб қилиш, партиянинг сайловолди платформасида белгиланган мақсадларни оммалаштиришда кўмак бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳам О'зЛиДеР қузатувчилари бошланғич партия ташкилотлари орасидан шакллантирилди. Бундан ташқари таянч тузилмалар аҳолининг сайловда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказишда иштирок этдилар.

Мухтасар айтганда, дастлабки кунлардан оқ ислохотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олишини эълон қилган партиянинг барча тизимлари юқсак талабларга мувофиқ фаолият юритишлари керак. Ана шундагина олдимизда турган улкан вазифаларни удалашга муваффақ бўлаимиз.

➔ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Ташаббус-2015»

Жорий йилнинг 18 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида «Ташаббус-2015» кўрик-танловини ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши тасдиқланди. Унга кўра, кўрик-танлов қуйидаги босқичларда ўтказилади:

Туман (шаҳар) босқичлари — 2015 йил 15 апрелдан 23 апрелга қадар;
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари — 2015 йил 1 майдан 8 майга қадар;
Республика босқичи — 2015 йил 28-29 май кунлари кўрик-танловнинг очилиш маросими ва кўргазмаси, 2015 йил 11 июнь куни кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

ЎРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — фаровонлик калити. Шундай экан, кўрик-танловда иштирок этинг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти совринига эга бўлиш учун беллашинг!

«Ташаббус-2015» кўрик-танловига оид барча маълумотларни www.chamber.uz сайтидан олишингиз мумкин.

Иштирок этиш шартлари бўйича Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари ва танлов ишчи штаби (+99871 1506009, +99871 1506006)га қўнғироқ қилинг.



Биз — XXI асрда яшаямиз!

Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!

Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?

Нашр индекси: 406

Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.

